



КУРРАЙ ЗАМИН АРДОҒИДА

УМРИНИ эзгуликка, ўз халқига бахшида этганлар номи, иши абадий яшайди. Буюк соҳибқирон Амир Темури шундай инсондир. Сир эмас, Римдан тортиб Афинагача, Мателландан тортиб Колумбгача ўргандик. Буюк Пётрнинг шижоатига қойил қолдик. Дмитрий Донской Олтин ўрдани қулатди, деган эзулгарча ишондик. Лекин Амир Темури ҳазратлари қурдирган хайратмакон Самарқанднинг тарихини, Жалолитдин Мангубердиннинг фожиали қисмати, Мирзо Бобурнинг латиф ғазалию Улуғбекнинг «Зиҳ»ини билмай улғайдик. Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темуринома», «Бобуринома», «Темури тузуқлари»ни ўқиёлмадик. Темури ҳазратлари Тўхтамиш сари газавотга юрган кунини ўйиб, битик ёздирган тош жойида тураверса бўлмасми? 1958 йилда давлат бадий адабиёт нашриёти (Гихл) чоп этган «Грузин шеърлати маъмуси» Арчил II нинг шеъри билан очилади. Арчил II ким бўлган экан деб, муаллифлар тўғрисидаги маълумотларга қарасам, у Гуржистоннинг шоҳи бўлган экан... Бизнинг Бобур, Хусайн Бойқаро, Амирий (Амир Умархон), Феруз (Муҳаммад Раҳимхон) нинг номларини тилга ололмадик... Шулар ҳаёдан кечганда ҳамду санолар айтиб Истиқлолга этган кунимизга беадад шукроналар қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Фармони билан 1996 йил Амир Темури йили, деб эълон қилиниши қалбларимизга қанчалар шуур, фарах солганини тасвирлаб бериш қийин. ЮНЕСКО қарори билан бутун жаҳонда ҳам Амир Темурининг 660 йиллик кенг байрам қилиниши белгилаб қўйилди.

Хар тонг соҳибқирон номи билан аталувчи хаббондан ўтар эканмиз, шу ерда кўр тўкиб, шаҳримизга ҳусн бўлиб турган Амир Темури хайкалига гурури билан кўз ташлаймиз. Амир Темури бугун бизга мададор, белимизга қувват, кўзимизга зиё бағишлаётганини таъкидлаш ортиқча бўлмайди. Амир Темурининг шаҳримизда хайкали ўрнатилиши, темурийлар тарихи давлат музейининг иш бошлаши тарихий адолатнинг қарор топиши, мустақиллигимизнинг буюк маънавий неъматларидан биридир.

Буюк шаҳслар ҳаёти ҳақида юзлаб, минглаб ривоятлар, афсоналар яратилган. Халқ ўз фарзандини улуғлаб, унинг номини эзгуликка, шарафга боғлайди. Буюк бобокалонимизнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўплаб очилмаган қирраларни очдик, уни янгидан кашф қилдик. Буюк салтанат соҳибининг буюк идроки, мислсиз шижоати, беназир ёдгорликларидан яна бир бор хайратга тушдик, муҳаббатимиз ўн қарра, юз қарра ошди. Соҳибқироннинг 660 йиллиги тантаналари кунларида Тошкентда ниҳоятда ноёб бино — Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши, Амир Темури халқаро жамағатининг тузилиши, бобокалонимиз тўғрисидаги ўнлаб бадий, илмий асарларнинг дунёга келиши, Шаҳрисабзда ва Самарқандда Амир Темури хайкаллари очилиши шу муҳаббатнинг меъаси бўлди. Президентимиз Ислам Каримов музей очилишида айтганларидек: «Амир Темури бизнинг шаън-шавкатимиз, гурури-ифтихоримиздир. Амир Темури — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир... Жаҳонга Амир Темуридек буюк даҳони берган халқ мангу яшасин, бахту саодати зиёда бўлсин!»

Соҳибқироннинг 660 йиллик тўйи нафақат Ватанимиз Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё давлатларида, Америка Қўшма Штатларида, Германия, Буюк Британия, Туркия, Эрон, Покистон, Украина — кўйинги бутун жаҳонда бўлиб ўтди. Парижда Темури ва темурийлар даврига бағишланган катта тадбирлар ўтказилди. Унда Президентимиз Ислам Каримов, Франция Президенти Жак Ширак, ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор иштирок этишди.

Куррай заминнинг барча жаҳасида номи бирдек иззат билан эътироф этиладиган соҳибқирон ҳақида араб тарихисини ибн Арабшоҳдан тортиб испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихогача, тарихчи Низомиддин Шомийдан тортиб, инглиз адабиса Хилда Хуксэмгача тан бериб, юксак ҳурмат билан асар битанлар. Энг сўнгисини инглиз мусаввирини Анжела Тийгер хонимнинг Лондонда намоиш этилаётган «Қуйла менга, Самарқанд» асарлари кўргазмасини эсламоқ кифоя. Ушбу хонимнинг юртимизга ташриф буюриб, халқимизнинг асрий санъатига ошно, мафтун бўлганининг меъасидир ушбу кўргазма.

ОЛТИН МЕРОС

ТОШКЕНТДА бошланган тантаналар Самарқандда давом этди. Амир Темурининг муборак номи Ватанимизнинг ҳамма ерида иззат-икром билан тилга олинди.

Чиндан ҳам тарихда номи ҳурмат билан тилга олинганда ҳукмдорлар жуда оз. Сабаби Искандар Зулқарнайн ҳам, ундан кейинги султонлар ҳам бокарам бўлмаганлар. Уларнинг қилчилари не бир алломаларнинг бошига қора кун солган, отлари оёғи остида не-не шаҳарлар ҳоки тубро бўлган. Соҳибқирон эса бундай қилмади. «Бирор жойдан бир гишт олган бўлсам, урнига унта қилиб қўйдим. Бир туп дарахт кессам ўрнига унта қилиб қўйдим», дейди ул зоти бобаракат. Бу фикрни исботловчи мисоллар тарихда жуда ҳам кўп. Хожа Аҳмад Яссавий, Занги ота макбаралари, Самарқанддаги, Бухоро, Шаҳрисабздаги, Насафдаги ажиб ёдгорликлар.

...Термизда «Термизий бова» қабри бор. Термизий бобо-ку Ал Халим Термизий, буюк аллома 749-750 йилда туғилиб, 869 йилда 120 ёшида шаҳид бўлади, яъни қасддан улдирилади. Унинг «Солнома», «Нахож», «Навоири ул-усул» сингари ўнлаб улмас асарлари бор. Мирзо Улуғбек бу тенгсиз алломга ўз устозим деб эътиқод қўйган. Энг эътиборли жойи Термизий ҳазрат имом ал-Бухорийга таълим берган буюк олим бўлган.

— Макбара гўмбаазлари қаранг, — деди бизга сайёҳдон Ражаб Эргашев, — нақд деб ўйладингиз-а! Асло ундай эмас, эзув булар. Хатто қабр тошига ҳам Курьонни Каримдан 60 сураси битилган.

Гўмбаазлар остидаги бу саховат, бу нафосатни кўриб лол қолгандик. Хусусан мармар қабротишга боқиб, инсон шундай мукамал обода яратганига қойил қолгандик. Қабр тошининг бўйи уч метр ўн сантиметр, баландлиги эса 2 метру 10 сантиметр экан. Уни буюк ҳақим қабрига Мирзо Улуғбек ҳазратлари қўйдирган экан.

Илм-фан, маърифат, маънавият ахлини эъзозлаш Темури авлодларига хос қутлуғ бир фазилат бўлганлигини шундан билсак ҳам бўлади.

Шоҳруҳ Мирзо Кўксаройдаги ҳазинага кириб, бир олтин танга топган экан, холос. Амир Темури соҳибқирон ҳазинасини ободончиликка сарф этиб, илм-фан, маданиятни қўлларга кўтариб, иккинчи буюк ҳазина яратди. Бу ҳазинага яна бир тенгсиз ҳазина — Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Гўлбаданбегим, Комрон Мирзоларни ҳам қўшсак унинг қанчалар бебаҳолигини тасаввур қилсак бўлади. Бу ҳазинадан бугун биз, унинг авлодлари баҳраманд бўлиб турибмиз. Маънавият сарҳадларимиз қанчалар улуғлигини қалбимиз ҳар лаҳза шукўҳга, фараҳга тўлаяпти.

ХАЛҚИМИЗ ДАҲОСИНИНГ ТИМСОЛИ, МАЪНАВИЙ ҚУДРАТИМИЗ РАМЗИ



ИККИНЧИ ҚУЁШ

ОЗОД Ватанимиз узра минглаб чироқлар порлади. Бу халқимизнинг саодат юлдузларидир.

Самарқандда очилган хайкал, таъмирлангандан сўнг чиройига минг чирой қўшилган Гўри Амир, Шоҳизинда макбаралари, Улуғбек, Тиллақори, Шердор мадрасаларидан иборат Регистон мажмуи узра соҳибқирон руҳи шукроналар билан парвоз этиб юрибди. Зеро Самарқанд Амир Темурининг кўз нури, қалб кўри ила йўғриландир. Унинг ҳар битта тошида минг бир ҳикмат мужассам. Ушбу ҳикматларнинг бири — бу авлодларнинг аждодларга эҳтиромни десак тўри бўлади.

Амир Темурининг 660 йиллик тўйи дастлаб ўлмас маънавиятимизнинг, маданиятимизнинг ҳам улуг тўйи бўлди. Аини пайтда у мустақиллигимизнинг олам аро намоиши ҳам бўл-

тикланган Доруссаодат, Дорутиловат, Кўксарой сингари қадри буюк обидалар қаршисида ўйга чўймайдиган одам зоти бўлмас керак. Бутун умрини буюк салтанатни мустаҳкамлаш гамида ўтказган Амир Темури ўз авлодлари қаршисида яна эзгулик билан пайдо бўлади: «Адолат ва озодлик — дастуригиз, раҳбарингиз бўлсин!»

Бугун мустақилликнинг бешинчи одимини мардона босган мамлакатимиз, кўёш ўлган юрт она Ўзбекистоннинг шижоатига, гайратига, аждодлари васияти, меросига, садоқатига аҳли олам чуқур хайрат ва камоли эҳтиром билан қараб турибди.

Амир Темурининг 660 йиллик тўйи дастлаб ўлмас маънавиятимизнинг, маданиятимизнинг ҳам улуг тўйи бўлди. Аини пайтда у мустақиллигимизнинг олам аро намоиши ҳам бўл-

дики, Ватанимиз дўстларининг бошини омонга етказди.

Юбилей тантаналари кунлари Самарқанд, Шаҳрисабзда Амир Темурининг маҳобатли хайкаллари очилди, бу икки шаҳар кўксига икки юлдуз қўнди. Бу ушбу шаҳарларга берилган Амир Темури орденидир.

Фахру гуруримиз бўлган буюк соҳибқирон ҳазратлари ҳақидаги Президентимизнинг қўйидаги сўзлари айниқса чуқур мазмун касб этади: «Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темури сиймосини эслаши керак».

Бу сиймо халқимизнинг боши узра иккинчи қуёшдек доимо чарақлаб тураверади.

ТАН ОЛИНГАН ҲАҚИҚАТ

МУҲТАШАМ «Туркистон» саройида «Амир Темури ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуда халқаро илмий анжуман бўлиб ўтгани, у ерда 40 дан зиёд хорижий давлатларнинг олимлари иштирок этгани барчамизни шубҳасиз тўлқинлаттиради. Айниқса, Президентимизнинг конференцияга сўзлаган нутқида Амир Темури ҳаёти, фаолияти, сиёсатига юксак баҳо берилди: устувор томонлари, элпарварлиги шу кунимиз нуктаи назаридан холис ва одил эътироф этилди.

Жаҳонга таниқли адиб, Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси президенти Чингиз Айтматов ўз сўзида Амир Темурининг давлат арбоби, саркарда, туркий халқлар маданияти ривожига муҳим ўрни тутгани ҳақида фикр юритди, улуг соҳибқирон умумтуркий ватанпарварлик намунаси эканини таъкидлади. Конференция иштирокчиларининг сўзларига қулоқ берайлик.

Син ГУАНЧЭН,

Хитой Халқ Республикаси:

— Шу йилнинг эсида мен Пекин шаҳрида Амир Темури туғилган куннинг 660 йиллигига бағишланган илмий анжуман ишида катнашдим. Бугун эса ушбу халқаро конференцияда иштирок этиш бахтига мушарраф бўлиб турибман.

Хитой манбалари гувоҳлик беришича Амир Темури Марказий Осиёдаги тарқоқликка, бошбошдоқликка бархам берган, маҳаллий халқларни бирлаштирган ва марказлашган давлат тузган, бу яъни пайтда минтақада ягона иқтисодий ҳудуднинг шаклланиши демак ҳамдир. Самарқанд ва бошқа шаҳарларда бўлиб қайтган Хитой сайёҳларининг ёзувларига қара Амир Темури иқтисодий ривожланишга, савдога, фан ва маданиятга, шаҳарсозликка катта эътибор берган. Унинг ҳукмронлиги даврида ташқи савдо ҳам кенг ривожланган.

Хитой сулолаларидан Мин даври соллоналарининг гувоҳлик беришича XIV асрнинг II ярмида Темури давлатида Хитойга катта савдо қарвонлари билан бирга мунтазам элчилар бориб турган.

Буюк Амир Темури юбилейини нишонлар эканмиз сиёсий аъёнларнинг давом этаётганлигини таъкидламасдан ўтолмаймиз. Бугун Ўзбекистон, Амир Темури давридаги каби яна кучли, мустақил давлатга айланмоқда.

Бугун Ўзбекистон яна Фарб ва Шарқни минг йиллар даврида боғлаб турган Буюк ипақ йўлини қайта тугилишида фаол иштирок этмоқда.

Кадзуоки КУБО,

япониялик профессор:

— Амир Темури давлат бошлиғи сифатида дини исломга, нафақат, уламо, дин пешволари, балки сўфий шайхларга ҳам чуқур ҳурмат қўзи билан қараган. Ушбу ҳол Темурийлар даврида ҳам давом этган. Темури авлодлари сўфий шайхларга катта эътибор берганлар.

Разауллоҳ АНСОРИЙ,

Ҳиндистон:

— Мен Ҳиндистонда яшаган Темурийлар, уларнинг фаолиятлари ҳақида бир-икки оғиз сўзламоқчиман, бу ҳақда Ўзбекистонда тўла маълумотлар йўқ бўлиши мумкин.

Ҳиндистонда Амир Темурининг набираси Бобурийлар авлоди — Хумоюн, Акбар, Шоҳжаҳон, Баҳодиршоҳ, Аврангзеб ва бошқалар даврида маънавият ва маданиятга катта эътибор берилди. Марказий Осиёдан, айниқса, Бухоро ва Самарқанддан келган олимлар хинд фалакийёт мактаби, тиббиёт ва бошқа фанлар ривожига бебаҳо ҳисса қўшдилар. Хусусан Хумоюн шоҳлиги даврида фан мислсиз даражада ривожланди. Ягона мисол: айнан шу даврда энг мукамал илмий комус яратилди, унинг муаллифи Ҳиндистонда яшаган самарқандлик олим Фозил ас-Самарқандийдир. Жайпур, Дехли, Банорас шаҳарларида Самарқанддаги Улуғбек обсерваториясидан улгу олиб, обсерваториялар қурилди. У ерда Жамшид ал-Қошӣ, Қозизода Румий, Али Қўшчи ва бошқа атоқли олимлар ишладилар, дарс бердилар.

Яна XVII—XVIII асрларда яратилган «Зижи Шоҳжаҳоний», «Зижи Муҳаммад Шоҳий»ларни ҳам тилга олиб ўтиш зарур. Темурийлар номи билан боғланган бу табаррук асарлар

Ҳиндистонда сақланмоқда. Уларнинг Амир Темури ва Темурийлар даврини ўрганишдаги қиммати бебаҳодир.

Чингем БАЛИМ-ХАРДИНГ,

Буюк Британиядаги Манчестер университети профессори:

— Амир Темури бир томондан қараганда, мураккаб шахс. Шубҳасиз, унинг юришлари ҳар хил қабул қилинган. Аммо бизга яхши маълумки, урта асрларда ўзаро жангу-жаддалар одалти воқеа эди. Темури юксак ақл соҳиби, тадбиркор сиёсатдон, санъат ва маданиятнинг ҳомиеси сифатида ном қолдирган. Марказий Осиё, Урта Шарқ ва ёндош бошқа ҳудудлардаги ўз авлодларининг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда қўлга киритган ютуқларига сабабчи бўлган.

Ўзбекистон темурийлар даврини тадқиқ этишда жаҳон олимлари учун ўзига хос мувофиқлаштирувчи марказ бўлиши керак. Аини пайтда, ўзбек халқи ўша давр санъати, маданияти меросини кўз қорачигидек асраб-авайлаши лозим.

Осиё минтақаси тарихини ўрганувчи университет талабалари ҳам Амир Темури фаолияти билан танишадилар. Лекин улар ҳам бу мавзудаги қўлланмалар йўқлиги сабабли мактабларнинг юқори синфларига мўлжалланган дарсликлардан фойдаланишмоқда. Эндиликда бу бўлишни тўлдирishi йўлида изланишлар олиб боришмоқда.

Менинг назаримда университет профессорлари мактаблар учун дарслик ёзмасликлар керак. Чунки улар илмий тил ва услуб билан ёзадилар. Усириллар ва ёшлар учун бундай китоблар етарли даражада тушунарли, қизиқарли бўлмайди. Шу тўғрисида олимлар ва ўқитувчилар доимий равишда ҳамкорликда иш-лашлари керак.

Азамат ЗИЁЕВ,

Абу Райҳон Беруний номдаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди:

— Амир Темури давлат қурилиши муаммолари ҳақида гап кетганда дастлаб ўзбек давлатчилигининг 2000 йиллик тарихи борлигига эътиборни қаратмоқ зарур. Агар X асргача барча ҳокимият олий ҳукмдор қўлида тўпланган бўлса, Сомонийлар давридан бошлаб ҳокимиятнинг бўлиниши бошланади: даргоҳ ва девон тизими ташкил этилади. Ушбу аъёна Қоракхонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳийлар даврида ҳам Чингизийлар босқинига қадар давом этади.

Амир Темурининг тарихий хизмати шундаки, у ўз даври учун илгор ҳисобланган аъёнларни давлат бошқарувида татбиқ этди. У яна даргоҳ ва девон тизimini тиклади. Давлат ҳокимиятининг олий органи даргоҳ саналган. Даргоҳда Амир Темури алоҳида кенгаш ташкил этган. У ташқи ва ички сиёсатнинг муҳим масалаларини кўрган, юқори давлат таълимларида раҳбарлар ва ҳоқоа. Ҳар бир мажлис котиб томонидан ёзиб борилаган.

Даргоҳ тизимида девони аъло иш олиб бор-

ган. Девони аъло девонларнинг иш фаолиятига раҳбарлик қилган, уларнинг фаолиятини назорат этган.

Даргоҳдаги масъул хизматлардан бири арзабег саналган. У фуқароларнинг даъволари, арзлари, таклифларини ўрганиш билан шуғулланган.

Даргоҳда шунингдек, бош хожиб, жибаги, қўшчи, хазинадор, ханисалор, бақовул боши, котиб, мунший, битикчи, фарроший ва ҳоқоа лавозимлар ҳам бўлган.

Кўриниб турибдики Амир Темури аввалги давлат қурилишининг мумтоз тизimini тиклаш муваффақ бўлди, у Шоҳрух даврида яна ҳам ривожланди.

Амир Темури даврида давлатнинг барқарорлиги соҳибқироннинг давлат бошқарувида барча синфлар ва барча қатламларга суянганлигидир.


Конференцияда сўзга чиққан барча олимлар Амир Темури ҳақида, албатта, бирор янгиликни тилга олиб ўтдилар. Лекин шундай бўлса ҳам буюк соҳибқироннинг ҳаётини барча соҳаларида олиб борган ишлари тўла ўрганилди, тадқиқ этилди деб бўлмайди. Амир Темурининг умри, фаолияти, шундай улуг бир уммонки бу уммондан ҳали кўп авлодлар баҳраманд бўладилар, ўрганадилар.

Фатҳий Ал-ЖУВАЙНИЙ,

Миср Араб Республикаси:

— Мен сизларга қўшни бўлган Афғонистонда кўп йиллар ишладим. Уша вақтда Жайхун дарёси ортидан туриб сизнинг тупроғингизга кўз тиккан маҳалларим жуда кўп бўлган. «Бу юртда ўзбеклар — мусулмонлар, буюк Амир Темурининг авлодлари яшайди. Шавкатли лашкарбошининг киндик қони айнан шу ерга тўкилган», деган ҳаёллар мени тарқ этмасди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, мен дипломат сифатида Амир Темурининг ҳаёти ва фаолиятини кўп нариса ўргандим. Буни қарангки, орадан шунча вақт ўтганига қарамай, Амир Темури дипломатияси ҳали ҳам қимматли ва кенг қамровли манбалигича қолаётди. Анжумандаги маърузам учун «Амир Темури дипломатияси» мавзунини танлаганимнинг боиси ҳам шунда.



Беатрис МАНЗ,

Америка Қўшма Штатлари:

— Соҳибқирон ҳаётига Америкада азалдан қизиқиш катта. Бу қизиқиш унинг юрти озодликка эришган, янада ортди.

Мен анжуманга соҳибқироннинг Тўхтамиш билан қилган муҳорабалари ва уларнинг тарихий оқибатлари ҳақидаги маърузамни тайёрлаб келдим. Айнан шу мавзунини танлаганим бежиз эмас. Чунки, шавкатли саркарданнинг барча фазилатлари орасида менга энг ёққани — чиройли муомала, кеңиримиллик ва миллатпарварлик. Маълумки, Амир Темури жаноблари Тўхтамишини қанчалик аяса, унга қанчалик юмшоқ муомала қилса, рақибни фақат бунинг тескарисини қилган. Садоқатга сотқинлик, сулҳга хиёнат ила жавоб қайтарган. Шунга қарамай, Амир Темури уни кеңиб қелади, охири мўғул хони зулмига чидашга тоқат қолмагачина, унга қарши жангга қиради ва Тўхтамишини узил-кесил енгади. Менимча, икки шахс ўртасидаги муносабатлар ва жанг натижаларининг аҳамияти ҳали тўла ўрганилмаган.

Фредерик БРЕССАН хоним,

Франциядаги Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш жамияти бош котиби:

— Мен Амир Темури ҳаёти ва фаолиятини кўп йиллардан буён ўрганиб, қизиқишимнинг натижаси ўлароқ, соҳибқирон ҳақида бир қанча биографик китоблар ёздим. Амир Темури шахси жуда серқиррадир. Мени бу буюк шахсининг бунёдкорлик ва яратувчанлик фазилига кўпроқ қизиқтиради. Самарқанд ва бошқа қадимий шаҳарларда Амир Темури даврида қурилган бетакрор тарихий обидалар соҳибқироннинг қандай бунёдкорлик салоҳиятига эга эканини ҳамон бутун дунёга намоиш этиб келаётди.

Албатта, санъат асари даражасигача кўтарилган ушбу меъморий обидаларда дунёнинг турли иқлимга хос хусусиятлар миллий аъёнлар билан уйғунлашиб кетганини кўриш мумкин. Бу эса темурийлар маданиятининг ўзига хос жиҳатга эга эканини кўрсатади.

Мен Самарқандда жуда кўп марта бўлганман. Айниқса, у ерда юбилей арафасида амалга оширилган таъмирлаш ҳамда бунёдкорлик ишларини кўриб беҳад хурсанд бўлдим. Мустақил Ўзбекистоннинг бугунги раванқи, Амир Темурига хос тамойилларга содиқлиги бизни қувонтиради. Зеро, биз Франциядаги Амир Темури тарихини ўрганувчи бир гуруҳ олимлар бутун Тошкентда мана шундай улкан тантаналарнинг гувоҳи бўлиб турганимиздан ҳам беҳад миннатдоримиз. Бу биз, темуришунос олимлар учун улкан байрамдир.

Судочиро ОКАЖИМА,

ЮНЕСКОнинг Осиё ва Тинч уммони мамлакатлари бўйича бўлими директори:

— Амир Темури Марказий Осиё халқлари тарихидагина эмас, жаҳон тарихида ҳам алоҳида ўринга, яъни умумбашарий аҳамиятга молик шахсдир. Нафақат қадим Мовароуннаҳр замини, балки, дунёнинг турли мамлакатларида ҳам Темури номи билан боғлиқ тарихий ёдгорликлар, масжид ва мадрасаларни учратиш мумкин. Бу Темурининг дунё халқлари маърифати ва маънавиятига, башарият ҳазинасига муносиб улус қўшганидан далолат беради. Соҳибқироннинг 660 йиллик юбилейи ЮНЕСКО ҳомиюлигида кенг жаҳон жамоатчилиги томонидан нишонланиши ҳам бежиз эмас. Қолаверса, бу тадбирлар мустақил Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг қимлигини, қандай улкан ва бой тарихга эга эканини дунёга намоиш этмоқда.

Шу ўринда Амир Темурининг турли мамлакатлар ўртасидаги савдо-сотик алоқаларини ривож топтиргани, қўлаб давлатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда Ўзбекистон улуг авлодларининг ана шу аъёнларини «Буюк ипақ йўли» тизимида қайта тикламоқда. Бунда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан «Буюк ипақ йўли — мулоқот йўли» дастури доирасидаги ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ипақ йўлининг қайта тикланиши орқали турли минтақадаги мамлакатлар билан ўзаро алоқаларни ривожлантириб, дунёга янада кенг юз очибди...

Юқорида жаҳон таниқли олимларининг фикрларининг келтиридик. Бу ўз навбатида соҳибқироннинг инсоният маданияти таракқиётида тутган ўрни нақадар юксаклигини таъкидласа, аини пайтда, биз — Темури авлодларига билдирилган миннатдорлик, масъулият туйғулари ҳамдир.

Буюк бобокалонимизнинг 660 йиллиги жаҳон миқёсида тантана қилиниши эса адолатнинг, олижанобликнинг, элпарварликнинг умри боқий эканлигининг ёркин далилидир.

Темури УБАЙДУЛЛО,

СУРАТЛАРДА: юртимизда ўтказилган буюк соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишланган шодиёналар пайти. Собир Зуфаров, Шоҳмурод Шаропов ва Абдувоҳид Тураев (ЎЗА) олган тасвирлар.

Мардлар кўриқлайди Ватанни

# ЖАСУР УЎЛОНЛАР ХИЗМАТГА ОТПЛАНИШДИ



Шахримиз туманларидаги мудофаа ишлари бўлимида кузги чакриқ ишлари кўзгини давом этмоқда. Ватан хизматида отланган ўғлонлар ва бурчларнинг бажариш учун ҳарбий қисмларга жўнамоқдалар. Биз Тошкент вилояти армияга қаққурув пунктда бўлганимизда унинг ҳовлиси чакриқчилар ва ота-оналар билан гап-гап эканлигининг гувоҳи бўлдик. Игитларимизнинг қайсилари баланд эди. Зеро, яна бир неча кунлардан кейин улар ҳам она юртимиз посбонлари сафидан жой оладилар.

Бўлғуси Ватан ҳимоячилари ота-оналари билан яна бир дақиқанига муносиб сазолари остида ҳажонли хайр-лашадилар. Бу даҳзалар бутун хизмат мобайнида хотираларга муҳрланиб қолса ажаб эмас. Биз бир гуруҳ чакриқчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатда бўлиб, уларнинг дил сўзларини қозғашди.

## ● Подполковник Левон ШАХНАЗАРЯН, туман бошлиғи:

— Туманлардаги мудофаа ишлари бўлимида кузги чакриқ мавсуми муваффақиятли ўтказилмоқда. Куролди кўчларимизни мустаҳкамлаш, дунё мамлакатлари орасида унинг мактебини ошириш ҳар биримизнинг конституциявий бурчимиздир. Халқимизнинг тинчлигини кўриқлаш, осмонимиз беғуборлиғи учун яшамоким нечоғлик бахтидир. Мен ҳар бир соғлом игит бу бахтдан бенаиб бўлмасин дейман.

## ● Шавак СОБИРОВ, Сирғали туманидан ҳарбий хизматга қаққурилган:

— Шу йили иқтисодиёт университетини тугалладим. Мана энди замонавий бил-млар билан куролланган ҳолда ўз хоҳишим билан хизматга жўнаётиман. Бундан ота-оналарим ҳам хурсанд. Ҳаётда падари бузруквори ва волидан муқтарамаси ҳурмати, ишончини оқлаш қобил фарзанд учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб уйлайман. Мен ҳам ҳарбий хизматга жўнаш арафасида ота-оним, ёру биродарларим олдида ўз йигитлик бурчимни шараф би-

қолишга ҳаракат қилиш ҳоллари кулоққа чалиниб қолади. Назаримда ташвиқот-тарғибот ишлари етарли эмасга ўхшайди. Бунинг учун ёшларни она-Ватанни севиш, ҳарбий ватанпарварликка ўргатиш ишларини боғча-мактабдаёқ янада чуқурроқ сингдириб боришимизга тўғри келиди. Ана шунда мақсади-мизга эришамиз.

## ● Аваз ОБИДОВ, Чилонзор туманидан қаққурилган:

— Армия-мустаҳкам тартиб-интизом манбаи, йигитларни ҳаётга тайёрловчи негиз дейишди. Халқимизда «Мусофир бўлмаганча мусулмон бўлмайсан» деган нақл бор. Уйлайманки, кимки Ватан олдидаги ўз бурчини ўтамаса, у йигит номига но-лоқидир.

## ● Александр КОН, Мирзо Улуғбек туманидан қаққурилган:

— Яқинда биз ҳам энгизимизга ҳарбий либос кийиб ҳақиқий аскарлар сафига қўшилишимиз. Ана шундай давланимиз биринчи оғажимизимиз билан илк соғинч мактубини оламиз. Ва яна шунда она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатимиз шубҳасиз янада ортади.

## ● Ботир ТУРДИЕВ, Миробод туманидан қаққурилган:

— Ҳа, ҳар кимнинг ўз Ватани, киндик қони тўқилган ер бўлади. Шу боисдан ҳам уни она-Ватан дейишлари, бежиз эмас. Айниқса, бизнинг Ватан-имиз ўз гузаллиги, шон-шукрати билан етти иқлимга маълум ва машҳурдир.

Афсуски, дилни хуфтон қиладиган томони шундаки, ахён-ахёнда бўлса ҳам айрим йигитларнинг турли баҳримлар билан ҳарбий хизматдан

Яқинда республикамизнинг бир неча соҳадаги вақиллари Талафотларнинг олдини олиш немис кўмитаси ва Германиянинг Халқаро тараққиёт фонди ташкил этган «Тасодий талафотлар худудлари» семинарида қатнашиб қайтидилар. Ана шу делегациянинг аъзоси, Халқаро муҳандислик, технология, Гермес, Интеграция ва бизнес академиялари ҳақиқий аъзоси Нейматилла МУМИНОВ билан сафар таассуротлари хусусида суҳбатлашдик.

— Семинарнинг асосий мавзуси нима ҳақида бўлди?

— Семинарда фуқаро мудофааси, аҳолини талафотлардан сақлашга оид қизиқарли маърузалар, ахборотлар тингланди. Фавқулодда ҳолат муаммолари, унинг олдини олиш ва даф этиш йўл-йўриқлари таҳлили билан танишдик. Фавқулодда ҳолат муаммоларини ҳал этишда кўзга ташланган йирик йўл-йўриқлар сифатида техникавий воситаларнинг тўла-тўқислиги, ахборот тизимларининг мукамаллиги, ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар мавжудлиги, малака ошириш ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги, интизомнинг кучлилигини айтиш мумкин.

Президентимиз хоржий мамлакатларга кўпроқ бориш керак, у ердаги ютуқларни, янги технологияларни, санаот, қишлоқ ҳўжалигини бошқариш ишидаги янгиликларни чуқур ўрганиб, давлатимиз, халқимиз учун фойдали қирраларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этишимиз кераклигини уқдириб ўтганликларимиз бежиз эмас, албатта. Умуман олганда Европа мамлакатларида, жумладан Германияда санаот, техника, технология, коммуникация, ахборот тизими, курилиш ривожланганлиги ҳаммага маълум. Асосий мақсад ана шу ривожланган мамлакатлардаги эришилган муваффақиятлар негизини таҳлил этиш ва унинг асосида хулосалар чиқаришдир.

— Германияда ўн тўрт кун бўлибсиз. Шахсий таассуротларингиз хусусида нималар дея оласиз?

— Таассуротларим жуда бой. Хусусан Германияда табиатга бўлган муносабат жуда юқори. Дарахларга белгилар қўйиб чиқилган, ерлар майсазор. Дарах ўзини тутиб олмагунча у томондан тирговичлар ўрнатилди. Улар ҳар кун пуркагичлар билан ювилиб туради. Майсалар эса сув сарфатчилар билан суғорилади. Сув сарфатчилар ер сатҳидан паст бўлиб, ҳатто кўзга ташланмайди ҳам. Майсалар ўсиши билан кичик ўт ўрғич машиналар ёрдамда ўриб олинади ва тўртбурчак шаклида автоматик тарзда тахланиб, сўнгра целлофан ёрдамда боғлаб эм сифатида фойдаланиш учун ғамлаб қўйилади. Боғларда кичик-кичик ҳўллар бўлиб, унда балиқ ўрдақлар қўлб кечиринишди. Дарахтзорлар, майсазорларда овоз ҳолда юрган қўёнларни ўрнатилган мўмин.

Ҳамма хондон уйлари дераза олд қисми гуллар билан безатилган. Ҳўйлар ҳам турли гулларга бой. Узумли бир ярим-икки метр баландликда бўлиб, яхши парварош этилган. Аммо уларни пишмаган ва нордонлигини истеъмол қилиш қийин. Японияда мевали дарахга зарар етказган одам ўрнатилган тартибда жараҳланиди. Германияда ҳам шундай одат бор экан. У ерда бизда ўсувчи

фуқароларни кўп учратиш мумкин, айниқса, туркларни. Улар кўпроқ савдо-сотик шохобчаларида хизмат қиладилар. Дўконлар катта кенг, кўп қаватли, Каватдан-қаватга эскалаторлар орқали кўтарилади. Моллари қабул этиш, силжитиш жараёни мекан-хизматлаштирилган. Хориждан келган одам 100 маркадан ошқ харж қилса 9 фойзи қайтариб берилди. Сувчилик муомаласи ширин. Магазинлар ичида телевизорлар қўйилган ва оқватларини шохобчалари мавжуд.

Аҳоли асосан ресторани ва кўчадаги ошхоналарда оқватланади. Нонини кам, лекин турли хил мева шербатлари кўпроқ истеъмол қилинади. Белги-ланган иш ўз вақтида амалга ошириш ва топширилган ишга жаобгарлик билан қараш қарийб ўрнатилган тартибга айланган.

Сигарет кам чекилиб, спиртлик ичимликлар жуда оз миқдорда истеъмол қилинади. Фуқаролар эрталаб, кечқурун турли хил спорт билан шуғулланадилар, шахсий саломатлиқларига эътибор билан қарайдилар. Умуман нэмислар, хусусан берлинликлар ҳазилини яхши кўришади.

— Германия тараққиётини сиз қайси омиларда кўрасиз?

— Одатда мамлакат тараққиётини кўп

Юрган — дарё

# ИПМГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ

лари мавжуд бўлиб, ахлатлар турига қараб тўрт хилга бўлинади. Сабаб ҳар бир чикинди идиши ўзига хос қайта ишлаш корхонасига жўнатилади. Кўчалар озода, тоза бўлиб, биз тасаввур этгандек кенг эмас. Бироқ машиналар ҳаракатини тўлиқ ва хавфсиз таъминлаш мақсадида йўл ости ва усти ҳамма айланма кўчалар кўп. Йўл-калар икки қисмга бўлинади, бири велосипед ҳайдовчилар учун, бири пиедалар учун. Германияда 80 миллиондан ортиқ аҳоли бўлиб, шахсий энгил машиналар сони 41 миллион донга экан. Машина ҳаракати зич. Йўл остида коммуникация воситалари ўтказилган пишқ катта йўлакча бор. Уйлардаги ҳар бир хонани алоҳида ис-силқил билан таъмин этилишини бошқариш мумкин, яъни агар хондон беш хонали бўлса ҳам она баробар иситилиши шарт эмас. Эҳтиёжга қараб ҳар бир хона исталган ҳароратда иситилиши мумкин.

Иморатлар, иншоотлар, йўллар жуда узок муддатга чидамли қилиб куриланган. Умуман курилиш жуда кўп. Берлин шаҳрининг ўзида йигирма мингдан ортиқ курилиш қранларини кўриш мумкин. Энг баланд иморат йигирма қаватли. Бу шаҳарда 4 миллион аҳоли истиқомат қилади. Шаҳар транспорти асосан метро, автобус ва трамвай. Автобусларнинг кўпчилиги икки қаватли, салонида совуқчи, телевизор бор. Автобус бекатдан силжини билан икки ён томонида кейинги бекат номи электрон таблода намоён бўлади. Германияда чет эллик

ҳолларда четта маҳсулот чиқариш усулига таянади. Аммо қизғин шундаки, Германия ҳамма нефтни, газни, ипакни, қоракўлни, ҳўл меваларни ва шу қабиларни хориждан келтиради. Ҳўш, шундай экан, нима учун бу мамлакат тараққий этган давлат ҳисобланади? Гап шундаки, Германияда тараққий асосан санаот, фан, техника, технология, интеллектуал мулкка таянган.

Республикамизда ҳам бугунги кунда фан ва техника, санаот тараққий-тига катта эътибор берилмоқда. Хусусан ҳукуматимиз фан ва техникани ўстириб йўналишларини аниқлаб берди. Иккинчи жаҳон уруши тугангандан сўнг Америка Қўшма Штатлари Президенти Трумэнга урушдан олдинги сабоқ, талафот ва ютуқлар нима-лардан иборат деб мурожаат этишганда «Биз учун бу урушдан олдинги энг катта ижобий натижа — Германиядан 200 га яқин физик олимларнинг кўчиб келганидир», деган экан. Демак, мамлакат, давлатни бошқариш ва уни ривожлантиришда илм ахилларининг туган ўрни дунё миқёсида исбот этилиши керак бўлмаган аксиомадир.

— Юртимизни жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқишда республикамизда барча моддий ресурслар етарли экани аён. Улардан унумли фойдаланишда Германиядек тараққий этган давлат ҳаётини ўрганган киши сифатида нималарга кўпроқ эътибор қаратиш зарур деб ўйлайсиз?

— Эндиликда сиёсий мустақиллик-

Суҳбатдош Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ



Кеча Америка Қўшма Штатларида президент сайловлари бўлиб ўтди. Давлат раҳбари лавозими учун асосий кураш ҳозир Президент Билл Клинтон билан республикачилар етакчиси Боб Дубуэ ўртасида бўлди. СУРАТДА: АКШ Президенти Билл Клинтон ва вице-президент Ал Гор Портланд шаҳрида сайловчилар билан учрашувда.

## ТАҲЛИЛНИ ДАРСПАР

Собир Раҳимов туманидаги Давлат Ҳақидор Шаҳри номи 24-урта мактабда «Юксак маънавият» — келажакки буюк мамлакат поддояри мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тумандаги барча мактабларнинг директорлари, таълиқчилари, бошқаруш ижодий маркази мутахассислари, туман ҳокимлиги ва «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг шаҳар ҳамда туман бўлимидаги вақиллари иштирок этган маъруза таъдирда ёш авлод маънавий олами шакллантиришда таълим-тарбия воситаларидан фойдаланиш йўллари белги-лаб олинди.

Иштирокчилар 10 гуруҳга бўлиниб, турли фанлар ўқити-чиликларини дарсларини кузатиш ва кузатишлар дарсларнинг таҳлили асосида аниқ давсиялар тақлиф қилинди. Ёшларнинг қомил инсонлар бўлиб етишувига ўқитишнинг илмий дораиси ва маънавий олами кўламини етакчи ўрнида туриши қайд этилди.

## Билим масканларида

Бу — устозлар олдида янги-дан янги изланишлар йўлини белгилади.

## Мухаррама МУРОДОВА, ЯНГИ АЛИФБО БУЙИЧА

Ҳамза туманидаги 216-урта мактабнинг байрамона безатилган зали меҳмонлар, ота-оналар ҳамда кўчаларида мамнуний бағриканч ўғил-қизлар билан гап-гап. Улар мамлакатимиз ўрта мактаблари ўртасида илк бор ўтказилган лотин ёзувида асосланган янги ўзбек алфобоси бўйича «Алифбо байрам»га тўпланишди.

Никот, орақитиб кутулган дамлар келди. Саҳнага эне маскани директори Муҳаммад Хасанова кутарилиди. У бир ярим ой яқинда янги алфобонини ўрганиб, унинг ҳамда мутахассисларнинг турт амалий эвоқули билан ўзлаштирилган 25 нафар ўғил-қизни байрам билан таъриқлаб, уларга энг яхши ниятларини нэхор этди. Таниш қўй янгради. 1-«А» синф ўқувчилари — жаҳон санъаткор қизлар саҳнада гуё гулдаста мисоли ташаб бўлишди. Уларнинг ёқили қишқ оҳангига мос шўх

хиромлари тўпланганларнинг эътиборини ўзига тортиди. Саҳнага ҳазрат Навоий ҳамда соҳибқирин Амир Темури ҳазратлари таъриқ бўюриб, бола-жонлардан ҳуррақчилик боисини сўради. Улар эса бо-боларига бу кутулг эне масканида «Алифбо байрам»га тўпланишди. Хуллас, «Алифбо байрам» келажакимизнинг ворислари бўлган болажонларимиз учун ҳақиқий билимларни куришга, истеъодлар намоёнишига айланиб кетди. Болалар део аталмиш сирли оламнинг унутмас китобига абадий муҳрларни қолдирган бу байрам шодонасида «Шодлик» алфобоси дарслигининг муаллифи, педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаева, Эрон Ислам Республикаси элчихонасининг иккинчи котиби Мехроб Раҳимов, ШУМОН мустақил М. Муҳаммадов, бошқаруш синфлар математика дарслиги муаллифи Н. Бикбоева, гимназия синфида савдо чиқарган ўғил-қизларнинг ота-оналари, фарзандларни қувончига шерик бўлишди.

Улуғбек ЖУМАЕВ

Жорий йилнинг бошларида шаҳарнинг Ақмал Исрофов, Миробод, Яқсарой, Чилонзор туманлари меҳнат биржалари мавжуд бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар учун меҳнат ярмаркалари ўтказишга эди. Унда асосан рўйхатларда турган ишсиз фуқаролар ҳамда корхона, ташкилот, муассасалардаги бўш иш ўринларини тақдим этган ходимлар бўлими вақиллари ўртасида музокаралар олиб қилинган. Яъни ҳар бир қатнашган корхона, ташкилот, муассаса ўзларидаги мавжуд бўш иш ўринларига ишсиз фуқароларни тақлиф этишган. Албатта, меҳнат ярмаркаси бу таъдир билангина чекланган эмас, балки рўйхатда турмаётган иш қидирувчи, ҳарбий хизматдан бўшатилган, вақтинча ишсиз қолган, қолаверса, жорий йил мактабни, ҳўнар-техника билим юртини, олий ва ўрта таълим юртиларини битирган ёшларни ҳам жалб этган. Айни чоғда бу меҳнат ярмаркаларида янги очилган хусусий фирма, корхона, жамоа ва қўшма корхоналарнинг ходимлар бўлими вақиллари ҳам иштирок этиб, ўзларига мақбул бўлган ишчи-хизматчи ва мутахассисларни излаган.

Илм якунида, худди шу кунларда ўтказилган меҳнат ярмаркалари асосан ёшлар учун бағишланди.

— Меҳнат ярмаркаларини куз фаслида ўтказибганимизнинг боиси, — дейди Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бoш бoшқармасининг мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Исроил Исмоилов, — шу кезларда айрим ёшлар турли сабабларга қура олма-юк у юртиларига кира олма-ганлар. Айрилари эса, мактаб ва ҳўнар-техника билим юртиларини битириб, ўзларига маълум иш излаётганлар. Бир эса, айнан ўз вақтида корхона, ташкилот ва муассасалар иштирокида «Бўш иш ўринлари» ва вакант лавозимлари» ярмаркаларини ўтказдик.

— Дастлабки меҳнат бoзoрлари қаерларда ўтказилди?

— Асосий вазирамиз: аҳолини, шу жумладан ёшларни иш билан таъминлаш, қасбга тайёрлаш ҳамда зарур масолаҳатлар беришдир. Бир неча йилдан бери аънаънага айланган ярмаркаларимиз йилдан-йилга яхши натижа-ларга эришиб бoрмоқда. Маз-бoш бoшқармасининг мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Исроил Исмоилов, — шу кезларда айрим ёшлар турли сабабларга қура олма-юк у юртиларига кира олма-ганлар. Айрилари эса, мактаб ва ҳўнар-техника билим юртиларини битириб, ўзларига маълум иш излаётганлар. Бир эса, айнан ўз вақтида корхона, ташкилот ва муассасалар иштирокида «Бўш иш ўринлари» ва вакант лавозимлари» ярмаркаларини ўтказдик.

— Меҳнат биржаларининг ярмарка ўтказиш режаларини йил бошидаёқ таъдиқлаб олганмиз. Ҳаммаси режага мувофиқ амалга оширилди. Масалан, биринчи ярмарка Сергели тумани меҳнат биржаси томонидан ўтказилди. Кейин эса, Шайхонтоҳур, Ҳамза, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов, Юнусобод ҳамда Бектемир туманлари навбатлари билан ўтказилди. Барчаси уйлаганимиздек амалга оширилди. Алоҳида таъдиқлашни истардим. Деярли ҳаммасига жойлардаги ҳокимликлар, корхона ва ташкилотлар ёрдамлашиб турди. Зарур шароитлар яратилди, хизмат

асосан ёшлар учун бўш ўринларни тақлиф этидик. 62 та корхонада (санаот, транспорт, курилиш ва ҳўзао) ташкил этган бўш иш ўринларига шу кунга жами 110 нафар талабгорни ишга юборишга муваффақ бўлдик. 10 нафар киши эса, савдо-сотик соҳасидаги ишларга йўлланди. Ободончилик ва маънавий хизмат кўрсатиш шохобчаларига эса 15 нафар фуқаронини кузатдик. Шу кунга тумандаги 31 та маҳаллада яшаётган вақтинча ишсиз юрган йигитлар, ўй бекалари ҳам иштирок этиди. Маҳалларда яширок 373 нафар фуқаронинг ишга жойлашиш хусусида масолаҳат олганлари ҳам кат-

та натижалар деб ҳисоблайди. Компьютер орқали 158 фуқаро нафақат тумандаги, балки шаҳар бўйича мавжуд бўлган бўш иш ўринларига йўлланди.

— Биз навбатдаги меҳнат ярмаркасини «Шоирлар ҳўбон»да ўтказдик, — дейди Шайхонтоҳур туман меҳнат биржаси бошлиғи Маъсуда Каримова. — Жами 47 та корхона, ташкилот, 50 та маҳалла, 26 та мактаб, 50 та хотин-қизлар кўмитаси вақиллари иштирок этишди. Шу кунга 590 нафар фуқаронини ишга жойлашиш учун йўлланди билан таъминланди. Компьютер орқали эса, 715 нафар фуқарога масолаҳат бердик. Хуллас, қўланган режаларимизга эришдик.

— Биз ярмаркани «Тошкент қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги» акционерлик жамиятининг маданият саройига ўтказдик, — дейди Ҳамза туман меҳнат биржаси бошлиғи Вера Қодирова. — Бунда 18 санаот, 12 та транспорт, 24 та курилиш ташкилотлари қатнашиб, ўзларидан бўш иш ўринларига жами 113 нафар фуқаронини расмийлаштиришди. Халқ таълими, туман ички ишлар, ободонлаштириш ва бошқа соҳаларга

жами 167 нафар фуқаро ишга йўлланди. Жами 438 нафар фуқаронини йўлланди билан таъмин этдик.

— «Тошкент тракторсозлар» маданият саройига ўтказилган меҳнат ярмаркасини ўзига хос бўлди, — дейди «Мирзо Улуғбек туман меҳнат биржаси бошлиғи Исроил Исаев. — 50 та маҳалла, 38 та мактаб вақиллари иштирок этган бўлса, жами 85 та санаот, 72 та курилиш, 15 та транспорт корхоналари бўш иш ўринларини тақдим этишди. Жами 104 нафар фуқаро ишга йўлланди.

— Бу йилги меҳнат ярмаркаси аввалгиларидан жудаям

олишди. Уқув марказига эса 93 нафар фуқаро йўлланди.

— Янги «Қўйлик» меҳнат бoзoрида ўтказилган меҳнат ярмаркасини 17 санаот, 41 та курилиш, 32 транспорт корхоналаридаги ва бошқа ташкилот, муассасаларда мавжуд бўлган бўш иш ўринлари талабгорларга тавсия қилинди, — дейди Бектемир туман меҳнат биржаси бошлиғи Ҳамидилла Халилов. — Бу иш ўринларига жами 132 нафар киши йўлланди. Жами 1226 нафар фуқаро эса, ишга жойлашиш тўғрисидаги айрим саволларга жа-воб олишган. Яъни ҳўқуқий масолаҳатлар олишган. Бир ярим мингдан ошқ фуқаро қатнашган бу меҳнат ярмаркасида ҳар ким қизиққан саволлари бўйича етарли маълумотга эга бўлишди.

17 сентябрдан 17 октябргача ўтказилган меҳнат ярмаркаларида айрим фуқаролар Жанубий Кореяда ишлаш истагини билдириб, ҳўжатларини ҳам расмийлаштириш бoшладилар.

— Утган йилги илк таърибамиз чакки бўлмади, — дейди гапида давом этиб Исроил Исмоилов. — 1995 йилнинг 7 март кунда Жанубий Кореяга юборилган оқлатларимиз ишончимизни юртдашди. Ҳозирда уларнинг кўпчилиги қисми қайтиб келиб, республикамиздаги қўшма корхоналарда меҳнат қилишмоқда. Айрилари ўзлари кичик корхоналар барпо этишган. Баъзилари эса, шартнома муддатини чўзиб, 1996—1997 йиллар учун ҳам меҳнат қилишмоқда. Хуллас, бундай таъдирдан қўнғимиз тўқ. Ҳадемай, Жанубий Кореяга жўнаш учун навбатдаги кузатишлар бoшланди. Йил охирига режамиздаги мувофиқ бўлган талабгорларни хорижга юборишимиз керак.

— Меҳнат биржалари ўтказган ярмаркалар одат тусига айланмоқда. Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бoш бoшқармасининг мақсади аниқ: ҳар ким ўзига маълум бўлган иш жойидангина ишласин, зарур иштни ва шароитлардан тўлиқ фойдалансин. Зеро, юртимиз мустақил, халқи эркин ва озоддир.

Зиор ТУРСУНОВ

## Бандлик хизмати

# ИШ ҲИЗМАТИГА ЙўЛЛАНА

қўрсатишда туман ҳокимликларининг ҳиссаслари катта бўлди. «Камолот» жағмармаси ҳам ташкилий масалаларда кўмаклашди.

— Агар рақамлар тили билан айтишдан бўлса ўтказилган меҳнат ярмаркалари қандай натижаларга эришилди?

— Асосий вазирамиз: аҳолини, шу жумладан ёшларни иш билан таъминлаш, қасбга тайёрлаш ҳамда зарур масолаҳатлар беришдир. Бир неча йилдан бери аънаънага айланган ярмаркаларимиз йилдан-йилга яхши натижа-ларга эришиб бoрмоқда. Маз-бoш бoшқармасининг мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Исроил Исмоилов, — шу кезларда айрим ёшлар турли сабабларга қура олма-юк у юртиларига кира олма-ганлар. Айрилари эса, мактаб ва ҳўнар-техника билим юртиларини битириб, ўзларига маълум иш излаётганлар. Бир эса, айнан ўз вақтида корхона, ташкилот ва муассасалар иштирокида «Бўш иш ўринлари» ва вакант лавозимлари» ярмаркаларини ўтказдик.

— Дастлабки меҳнат бoзoрлари қаерларда ўтказилди?

